



ОНАМНИНГ УЙИ

Фаррух Ҳамроев Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Мундиён қишлоғида туғилган. Каттақўрғондаги 17-ўрта мактабда, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида ўқиган. Унинг «Дунёнинг исми», «Туннинг товуши», «Марди Султонов» номли китоблари чоп этилган. Бугунги кунда муаллиф «Ўзбекистон овози» газетасида ишламоқда.

ФАРРУХ ҲАМРОЕВ



ISBN 978-9943-985-23-0



9 789943 985230

ФАРРУХ ҲАМРОЕВ

# ОНАМНИНГ УЙИ





Фаррух Ҳамроев

# ОНАМНИНГ УЙИ

шеърлар

Зурматли  
Азамат  
Муҳаммадҷоёвизга!  
Оналарга руҳи бизга  
доимо мададкор  
бўлсин.

Муҳаммад  
19. VIII. 2015

Ф. Ҳамроев

Тошкент  
«Akademnashr»  
2015

Sam DTI  
axborot-resurs markazi

УЎК: 821.512.133-1  
КБК: 84(5Ў)7  
Ҳ-25

Ҳ-25 Ҳамроев, Фаррух

Онамнинг уйи / Ф.Ҳамроев. – Тошкент: Akademnashr,  
2015. – 64 б.

ISBN 978-9943-985-23-0

УЎК: 821.512.133-1  
КБК: 84(5Ў)7

*Ижод аҳли ҳамиша соҳир туйгулар ошени сари ошиқади. Кечинмалари, ўй-хаёлларини сатрларга жойлайди. Бу сатрлар инсон руҳиятини, кўнгил чашмаларини сугориб, ажиб бир ҳисларга чулғайди. Фаррух Ҳамроевнинг шеърларини ўқиганингизда сизни ҳам ўша туйгулар қамраб олади. Ушбу тўпلامдаги шеърлар сизга манзур бўлишига умид қиламиз.*

ISBN 978-9943-985-23-0

© Фаррух Ҳамроев «Онамнинг уйи»  
© «Akademnashr» 2015

Осмоним онам. Ойим онам. Борлигим онам.  
«Онамнинг уйи»даги шеърлар ёзилганида онам  
ҳаёт эди. Ўқиб бергандим. Китоб қилсам, Сизга  
багишлайман деган эдим.

«Дунёнинг исми» номли тўпламим чиққанида  
қувонган, шеърларимни ўқиб: «Боламнинг ичи  
тўла дард экан», – деган онажоним соғинчи  
билан яшаяпман. Онасизлик қанчалар оғирлигини  
юрагимдан ўтказаяпман.

Ушбу китобимни бир умр ўз болаларини  
кутган, кузатган, йўл қараган, соғинган  
онам Сайёра ҳожи Ҳайит қизи хотирасига  
багишлайман.

Шеър тинглаганида, кўшиқ эшитганида, гўзалликни томоша қилганида инсон қалбида беихтиёр ҳаяжон туғилади. Унинг таъсирида одам ўзини руҳан енгил ҳис қилади. Бундай пайтда унга бутун борлиқ бошқача кўринади. Тупроқнинг ҳиди, гулларнинг хуш бўйи, сувларнинг оқиши, юлдузларнинг жимирлаши кўнгилга сизиб киради ва рангин туйғуларни уйғотади. Бу туйғулар қалбимиздаги олижаноблик ҳисларини юксалтириб, оламга меҳр билан қарашга ундайди. Шу боис одамзод азал-азалдан санъатга интилади. Бу жиҳатдан барча халқлар бир-бирига ўхшаш. Лекин Шарқ ва Ғарб олами адабиётга, шеъриятга муносабат борасида бир-биридан фарқ қилади.

Шарқда қадимдан шеърга юксак эҳтиром билан қаралган. «Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат борлиги» алоҳида таъкидланади. Кишиларнинг маданий-маърифий даражаси, шеъриятни идрок этиши қанча мисра шеър ёд билишига қараб белгилангани, айти мезон шарқликларнинг маънавий ҳаётига зеб бергани ўтмиш манбаларида қайд этилган.

Ҳозирги ахборот замонида ҳам юртимизда шарқона анъаналарга амал қиладиган, шеърни тушуниш, ўқиш, ёдлаш, бир сўз билан айтганда, адабиётни, шеъриятни муқаддас биладиган оилалар кам бўлса-да топилади.

Қўлингиздаги тўпلام муаллифи Фаррух Ҳамроевнинг ота-онаси – муаллим. Улар ярим аср давомида Каттақўрғон туманидаги мактабларда ишлашган. Ҳамидулла Ҳамроев ва Сайёра Ҳайитова учун мактаб иккинчи уй бўлди. Улар бир умр юртдошларининг ўғил-қизларига таълим-тарбия беришди. Ҳамидулла муаллим ўзбек тили ва адабиёти фанидан, Сайёра муаллим эса тарих фанидан дарс ўтиб, ўқувчиларга ҳаёт ҳикматлари, умр фалсафаси, ҳалоллик, инсон тафаккури хусусида сабоқ берди.

Ҳамидулла Ҳамроев кўп йил мактаб директори лавозимида меҳнат қилди. Адабиёт дунёсига қизиқиши

билан атрофидагиларга ибрат бўлиб келди. Ўзи эришолмаган, дилида армон бўлиб қолган, ҳеч кимга айтолмаган орзулари ушалишини истаб ўғил-қизларига шеърий исмлар қўйди. Хулкар, Ҳамза, Юлдуз, Фарҳод, Ҳақиқат, Фаррух, Фариднинг қалбида сўз санъатига ошуфталик, меҳр ҳиссини уйғотди. Уларни ўқиш, ёзишдан аввал шеър ёдлаш, шеъриятни англашга ўргатди. Бу хонадонда ҳар куни шеърият анжумани бўлиб ўтар, фарзандлари ҳаяжон билан шеър айтганида ота-она қалби завққа тўларди. Улар ўзларини дунёдаги энг бахтиёр одам ҳис этишарди.

Хулкар, Юлдуз, Фарҳод, Ҳақиқат, Фаррух мактабдаги йиғинларда, тадбирларда шеър айтиб олқиш олганида улар адабиёт саҳнида ўз ўрнини топишига умидланиб ота-онасининг кўзлари севинчдан ёшланарди. Уларнинг мактаб ўқувчилари ўртасида ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўтказилган олимпиадаларда эришган муваффақиятларидан қувонишарди.

Ҳар иккала муаллим ҳам Шарқ халқлари шеъриятга эҳтиром кўрсатиши, аждодларимиз шеър ёдлаш, баҳри байт айтишдан завқланиши бежиз эмаслигига ич-ичидан ишонишди. Шеър кишиларни руҳан-маънан улғайтиришини ҳис қилишди. Шеър инсонни кўпчиликка танитишини ҳаётда кўриб кузатди. Хусусан, Хулкар адабиёт, шеърият билимдони сифатида тенгдошлари орасида танилди, кўпчилик эътиборини қозонди. Адабиёт, шеърият унинг ҳаёт йўлларини ёритди...

Фаррух эса ўқувчилик чоғидаёқ шеър бита бошлади. Ҳамидулла муаллим ўғлининг шеърларидан ўзига тасалли топди. Фаррухнинг шеърларидаги айрим сатрларда ўзини азоблаган армонлар, кўнгил қатларида кўмилиб ётган туйғулар, тилига кўчмаган кечинмалар аксини кўрди. Чунки шеърда шундай сир-синоат борки, ундаги сўзларда муаллифнинг эмас, ўнлаб, минглаб кишилар кўнгли акс садо беради. Ота-онанинг дилида туғилган ёруғ ҳислар, ёрқин туйғулар ўғил-қизининг қалбида тирик сатрларга айланиб, унга шуҳрат келтиради.



Фаррухнинг «Дунёнинг исми» тўпламидаги шеърларида адабиётга меҳр билан қараган ота-онасининг истаклари, кўнгил кечинмалари ифодалангандай туюлади.

«Умид ранглари»даги:

*Йиллар бир-бирини такрорламайди,  
Қувончлар бошқача, қайгулар янги.  
Чаплашиб кетгандай туюлар менга  
Умрим йўлларининг ҳисобсиз ранги, –*

сатрларини Фаррух битган бўлса-да, бу фикр, бу хулоса ҳаётнинг паст-баландидан ўтиб, яхши-ёмон кунларини кўрган Ҳамидулла Ҳамроевга тегишлидай туюлади.

Шеърда сўзларга илоҳий куч қайтади. Улар сатрларга сафланганида нафақат ота-ўғил, балки барчанинг кўнглини туташтиради. Фаррух ўз шеърларида отасининг, онасининг шоир ўғлига айланади. Чунки унинг туйғуларини, кечинмаларини ифодалаган сўзлар ёлқинида қадрдон кишиларининг кўнглидан ўтадиган ўйлар, армонлар, изтироблар кўринади.

«Онамнинг уйи»даги шеърлар «Дунёнинг исми» тўплами давомида таассурот уйғотади. Чунки муаллиф ушбу тўпландаги шеърларида ҳам «Дунёнинг исми»даги услубига содиқ қолади. Ўша «хат»ини бузмасдан сатрлар тузади. «Онамнинг уйи»даги шеърлар ҳам санокли, ихчам сатрлардан таркиб топган. Бу сўзлар ҳамма ҳар куни ишлатадиган одатдаги сўзлар бўлса-да, лекин шоирона нигоҳдан қувватлангани боис кишини бефарқ қолдирмайди. «Дунёнинг исми», «Онамнинг уйи»даги сатрларда адабиёт қадрланган оилада улғайган фарзанднинг қалби, эл эъзозлаган шоирларга ҳавас қилган ўғлоннинг ҳаяжони, эҳтироси акс этади.

Ҳофиз, хонандалар ҳам қўшиқнинг авж пардаларини овози етганича ижро этади. Шу боис айни бир қўшиқ турлича жаранглайди ва кишиларга ҳар хил таъсир кўрсатади. Шоир ҳам кечинма, туйғуларини имкони, қурби даражасида сўзга солади. Битта шеърни учта

шоир уч хил тарзда таржима қилади. Бундай ҳар хиллик ҳатто Шекспир трагедиялари ёки замонамизнинг номдор адиби Пауло Коэльонинг «Алкимёгар» романи ўзбекча ўгирмаларида ҳам кузатилади. Шеърлардаги образли ифодалар, вазн салмоғи, қофиялар «қиёфа»си, шеърнинг ҳажми ҳам шоирнинг иқтидори даражасидан дарак беради.

Фаррух кечинма, ҳиссиётларини:

*Тупроқ танийди  
Бу уйда мени.  
Оқаятган ариқ  
Англайди.  
Маъюс дарахт  
Жимгина йиғлайди, –*

тарзида ифодалайди. Айрим ўринларда битта сўзни ҳам битта мисра сифатида тақдим этади. Бундай ихчамлик «Дунёнинг исми»да ҳам, қўлингиздаги «Онамнинг уйи»да ҳам учрайди.

«Дунёнинг исми» тўплами:

*Қуёш эмас, бир нур сўрадим,  
Ёмғирлардан бир гул сўрадим.  
Ўзим учун тақдир азалдан  
Ҳеч ким юрмас бир йўл сўрадим, –*

деб бошланиши, «Онамнинг уйи»даги:

*Чолғувчи,  
Юракда қолғувчи,  
Исмингни изтироб  
Атадим.  
Эй куйчи,  
Дилим даласига  
Армон дарахтин  
Ўтқаздим, –*

каби ўринлар шундай хулосага асос бўлади.

Албатта, «Онамнинг уйи»даги шеърлар ҳар кимга ҳар хил таъсир этади. Баъзан шоирлик салоҳияти бўлиб кўринса, баъзан ўзанини тўлдириб оқаётган шеърият дарёсининг бир тўлқини, мавжи сифатида таассурот қолдиради. «Дунёнинг исми» ва «Онамнинг уйи»даги шеърлардаги образ, ташбеҳларда, қофиялар тизимида фикрнинг ривожини ва хулосасида машҳур шоирлар шеърларига монанд жиҳатлар ҳам сезилади. Бундай бўлиши табиий ҳолат.

Фаррух ўзини «шоир» санайди.

*Оҳ, онажон,  
Шоир кўксимни  
Ёриб чиқар  
Меҳр деган гул.*

*Сен эккансан,  
Сен ўтқазгансан.  
Овозимни  
Ўзинг бергансан,*

*Шеър туққансан,  
Азоб туққансан  
Кўр дунёга  
Шоир туққансан, –*

дейди. Шу ўринда бир мулоҳаза. Баъзи ижодкорлар, ўзларига нисбатан «истеъдодли шоир», «иқтидорли адиб» сингари сифатлаш қўлланмаса, ранжийди. «Менинг асарларим бошқаларнинг ёзганларидан ёмонми? Нимаси кам? Нимаси етишмайди? Нуқул ўшани мақтайсизлар», – деб нолийди. Бундай даъво ўзининг ҳолини билмаслик, ўзига юқори баҳо бериш касаллиги таъсирида туғилади. «Истеъдодли», «иқтидорли» сифатлари кўпинча алдов сийлов бўлиб, юз-хотир учун қўлланади.

Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов ижодини таъ-

рифлаганда фойдаланиладиган айна изоҳловчининг баъзи ҳавасмандларга ҳам тақалаётгани шундан далолат беради.

«Онамнинг уйи»да кишини маънан покланишга, инсоний камолот сари интилишга даъват этувчи, ижтимоий салмоққа эга шеърлар кўп. Улар ясама, сунъий, тўқима эмас, ҳаётнинг ўзидан олинган.

«Онамнинг уйи»даги шеърлар кимнидир қаноатлантирмаслиги табиий. Ижодкор барчани бирдай ҳаяжонга соладиган, оҳорли, салмоқли хулосаларга узоқ ва машаққатли изланишлар жараёнида, ижодий балоғатга етганида эришади. Бунинг учун, аввало, луқма ҳалол бўлиши шарт. Ҳар бир одам учун, айниқса, қўлида қалам тутган киши учун бу бениҳоя зарур.

Кишининг тановул қиладиган овқати ҳам, айтадиган сўзи ҳам луқма. Қаламкаш учун луқманинг ҳалоллиги шунинг учун ҳам керакки, унинг қалбида қандай ҳолат бўлса, шу қоғозга кўчади. Ижодкор манфаатпараст, худбин бўлса, ҳаромдан ҳазар қилмай қўйса, тезда туйғулари тўймоқлашиб, фикри хира тортади. Чунки ҳаром луқмадан қалб қорайиб, ундаги илоҳий нур сўнади. Ҳар бир одамнинг қалбида эса илоҳий нур бор. Ана шу нур уни бутун борлиқ, чексиз коинот билан боғлайди. Улуғ ҳинд мутафаккири Робиндранат Тҳокур: «Ҳар биримизнинг қалбимиз ҳар куни коинотдан чексиз тухфалар олиб туради», – дейди. Қалбидаги илоҳий нур чарақлаб турганида кишига ҳаёт завқли, яшаш мароқли туюлади. Теварак атрофдаги барча мавжудотлар чексиз ҳикмат манбаи бўлиб кўринади. Қалбдаги нур хира тортган кезларда киши ўзининг яқинларига, ҳатто ота-онаси, ака-укалари, опа-сингилларига ҳам ачинмай қўяди. Бундай пайтда севган умр йўлдоши, жондай азиз ўғил-қизларига бефарқ бўлиб қолади.

«Дунёнинг исми»даги шеърлар ўқувчида муайян фикр уйғотганидай, «Онамнинг уйи»даги шеърлар ҳам кишини бефарқ қолдирмайди.

*Бахт кичкина,  
Одамлар катта,  
Бахт биттадир,  
Бизлар эса кўп.  
Шунинг учун  
Етмаяпти бахт, –*

деб бошланадиган шеърни ўқувчи, албатта, охиригача ўқиб чиқади.

*Интиламиз бахтга,  
Излаймиз бахтни.  
Бутун олам бахт,  
Бахт деб яшайди.  
Ер – бахт,  
Осмон – бахт,  
Онам – бахт,  
Отам – бахт,  
Болам – бахт,  
Мен эса бахтсиз, –*

деб якунланган бу шеър кўпчиликни ўйга толдиради.

Чунки ҳар бир киши шеърга, мусикага, суратга, кўйингки, барча санъат асарларига ўзининг дунёқараши, савияси, таъби, диди даражасида ёндашади. Энг муҳими, «Онамнинг уйи»даги шеърлар муаллифнинг ҳаётдаги ҳодисаларга бефарқэмаслиги, теварак атрофдаги ҳар бир воқеа унинг қалбида акс садо беришини кўрсатади. Тўғламдаги шеърлар мавзу доираси ҳам шундан далолат беради. Шоир ҳаётда кўрган, қалбини ларзага солган воқеликни ўз нигоҳи, ўз овози орқали маълум этишга ҳаракат қилади.

«Онамнинг уйи»даги шеърларни ўқиётганда сиз ҳам отасининг шоир ўғли нигоҳини кўриб, овозини эшитгандай бўласиз.

Абдулла УЛУФОВ,  
адабиётшунос

Онамнинг уйи,  
Онамнинг айвони,  
Онамнинг бўйи...  
Қалқиб кетади юрак,  
Тўкилади қалб.  
Нимага мен  
Бу уйда эмасман?  
Бегонадай  
Келиб кетаман.  
Наҳотки, шу уйда  
Туғилган бўлсам,  
Яшаган, улғайган,  
Сўнг кетган бўлсам.  
Тупроқ танийди  
Бу уйда мени.  
Оқаётган ариқ  
Англайди.  
Маъюс дарахт  
Жимгина йиғлайди.  
Онам хотиралар  
Сўзлайди:  
Ким қачон туғилган,  
Йиқилган, турган.  
Дунёга келганда  
Қай фасл бўлган.  
Қачон оғриганмиз,  
Қачон кулганмиз,  
Қачон ўқинганмиз...  
Бу уйда ўтказган  
Ҳар бир кун тарих,  
Онам бир бошидан  
Эслар уларни...

Баъзан қизиқ эмасдай,  
Гоҳида бу уйда  
Яшамагандайман.  
Бошим тегиб кетар  
Манови ёнғоққа.  
Унга боғлиқ  
Дил қичқиради.  
Дод,  
Қайт,  
Айт,  
Тани,  
Англа дейди.  
Бу ғалаёнлар  
Ич-этим ейди.  
Тугамайди онам  
Битган тарих,  
Етти бобдан  
Иборат китоб...  
Сен ахир шу уйда  
Туғилгансан-ку.  
Нега узоқлашасан  
Болалигингдан?!  
Умрнинг энг ёрқин фасли,  
Энг шаффоф фасли,  
Энг ойдин фасли  
Болалик, асли.  
Кетмайди сендан,  
Жон-жаҳдинг билан  
Айро тушасан,  
Ундан қочасан.  
Қочаётиб  
Урилиб кетасан  
Болалигингга.  
Босиб оласан

Гўдаклигингни.  
Чақалоқ чинқириги  
Эгаллар оламини.  
Онам қуриб қолган  
Кўкрагини тутати унга.  
Алла айта бошлайди,  
Бешик тебранади,  
Инграр болалик.  
Онамнинг болалари қани?  
Қайга кетди экан?  
Онам излай бошлар уларни.  
– Ҳулкар,  
– Ҳамза,  
– Юлдуз,  
– Фарҳод,  
– Ҳақиқат,  
– Фаррух,  
– Фарид...  
Бор овоз-ла  
Чақирар онам.  
Болаларим  
Очми? Юпунми? Соғми?  
Борми?  
Саволлар қийнайди  
Онамини.  
Бечора кекса муаллим  
Синфига киради сассиз.  
Бўм-бўш хонасида  
Дарс ўта бошлар.  
Йўқлама қилади:  
Ҳулкар Тошкентда,  
Ҳамза ишда,  
Юлдузни охирги бор қачон кўрган кун.  
Фарҳод ҳар доим биринчи бўлган,



Нариги дунёни ҳам  
Биринчи кўрган.  
Ҳақиқат йўқ дунёда,  
Асли.  
Фаррух  
Болалигидан минг чақирим  
Узоқда яшар.  
Фаридни сўрамай  
Дафтарин ёпар.  
Кўзойнагин ечар,  
Кўзлар хира тортган.  
Оёқлар ночор,  
Юраги безовта.  
Фақат соғинчи ёш,  
Фақат дарди янги.  
Болаларин чорлаб уйига  
Кўнғироқни чала бошлар  
Кекса муаллим.  
Болаларнинг қулоғи оғир,  
Болаларнинг кўзлари кўрмас,  
Болаларнинг қалби тош қотган.  
Шу лаҳза  
Фарҳод  
Кириб келар синфга.  
Она муаллимнинг елкасидан  
Тоғ қулаб тушар...  
Дардларини айтар  
Фарҳодга...  
Уйга вазифани  
Сўрай бошлайди.  
Уйга вазифа бу –  
Ўлиб кўрмоқлик.  
Тупроққа топиниш,  
Тупроқ ёпиниш...

Кекса муаллимнинг  
Фигони фалак.  
Фарҳодга баҳо йўқ,  
Фарҳод бебаҳо...  
Индамасдан  
Доскага ёзади  
Янги мавзуни:  
Болаларга  
Битта топшириқ –  
Қишлоққа қайтиш,  
Болаликка қайтиш,  
Эшикдан кирибоқ  
Она деб айтиш...

15.06.2012

## САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Муслиҳиддин Муҳиддиновга бағишлайман

Биринчи дарс –  
 Нуриддин Шукуровнинг  
 Адабиётшуносликка кириши.  
 Иккинчи сабоқ –  
 Худойберди Дониёровнинг  
 Сингармонизм ҳодисаси.  
 Учинчи машғулот –  
 Ботирхон Валихўжаевнинг  
 Комил нигоҳи.  
 Тўртинчи соат –  
 Раҳматулла Қўнғуровнинг  
 Нутқ маданияти.  
 Бешинчи мажлис –  
 Раҳмонқул Орзибековнинг  
 Одамийлик онлари.  
 Охиргиси –  
 Илҳом Ҳасановнинг  
 Озод осмони...

Ўн саккиз ёшимда кўз очган дунём,  
 Покиза туйғулар, шаффоф орзулар.  
 Тилимда мангуга муқаддас калом:  
 Менинг университетим.  
 Ҳар куни қайтмоқчи бўламан сенга,  
 Ҳар лаҳза бир сўзни айтгим келади.  
 Ҳаёт йўлидаги илк муаллимим –  
 Менинг университетим.  
 Қўнғироқ овози титратар қалбни,  
 Эшитгим келмайди, кетгим келмайди.  
 Овозим борича ҳайқиргим келар:  
 Менинг университетим.  
 Сўнги дарсимизда курсдош қизлар йўқ,  
 Қайга кетганини сўроқлар ҳаёт.

Севги мактубини сенда битганман,  
Менинг университетим.

Йўқлама қилингиз, муаллимларим,  
Дарсга, имтиҳонга чақиринг бизни.  
Бир умр бағрингда қолгим келади,  
Менинг университетим.

Сокин хиёбонда излари қолган,  
Ассалом, домлалар, эй дониш аҳли,  
Хоки пойингизга бошим эгаман,  
Менинг университетим.

Талабангман, яна тонгда уйғондим,  
Китоб-дафтаримни олдим қўлимга.  
Зиё заминига талпинаяпман,  
Менинг университетим.


Шеър айтилган тунлар ойдин, ёп-ёруғ,  
Ишқ ичилган кунлар сархуш, уйғоқ туш.

Шоир юрагимни мангу забт этган  
Менинг университетим.

Навоийнинг назм гулшани аро  
Фазалхонлик қилар толиб илмлар.  
Улуғбек осмоним, жоним, жаҳоним,  
Менинг университетим...

Биринчи дарс –  
Содда сукунат.  
Иккинчи сабоқ –  
Муҳаббатга муножот.  
Учинчи машғулот –  
Узилмас умид.  
Тўртинчи соат –  
Тақдир товуши.  
Бешинчи суҳбат –  
Дилим даргоҳи.  
Охиргиси –  
Олис овозим...

23.12.2014



**МУҲАББАТ МАНЗАРАЛАРИ**

Бир кун  
Баҳоримни  
Топиб берасиз,  
Қайтариб берасиз  
Ёшлигимни сиз,  
Менинг борлигимни  
Кўксига жойлаб,  
Тилин тишлаб олган  
Эй ёлғончи қиз.  
Менинг фуруримни  
Топтаб ўтгансиз,  
Отиб юборгансиз  
Орзуларимни.  
Юракка қадалган  
Киприкларингиз  
Ҳаётимдан чиқиб  
Кетган гўзал қиз.  
Синган соғинчларим –  
Тўзғиган тақдир,  
Бошин олиб кетган  
Ўша куни бахт.  
Рости, кўзларимда  
Қолиб кетгансиз,  
Шеърда яшаётган  
Эй ёлғончи қиз.  
Умидим ўлмади,  
Тоқат тугамас,  
Тилим такрорлайди  
Фақат бир сўзни:  
Озгина бўлсайди  
Шафқат, раҳмингиз,  
Менга қайтардингиз,

Эй ёлғончи қиз.  
Ўчиб, ёнаверар  
Севги олови,  
Кул кўмар чўғларни,  
Ишқ ўтларини.  
Тушингиздан кўрқиб  
Уйғонасиз сиз,  
Менсиз яшаётган  
Эй ёлғончи қиз.  
Бир кун эриб тугар  
Юрак шам мисол.  
Теграмда кезинар  
Айрилиқ-висол.  
Бошқаники эмас,  
Меникисиз сиз,  
Дилни таъқиб этиб  
Юрган гўзал қиз.  
Ишқингиз измида  
Оқарди бу соч,  
Армон, боламга сен  
Ўтма энди, қоч,  
Дунё, кўзларингни  
Бир лаҳзага оч.  
Мен қандай яшадим  
Ўзимсиз, усиз,  
Ўн саккиз ёшида  
Тўхтаб қолган қиз?  
Демак, йўқ ўртада  
Айрилиқ, ҳижрон,  
Йиллар йўқ,  
Тушлар бор,  
Биз яна бирга.  
Ҳаммаси ёлғон деб  
Менга айтингиз,

Мен учун туғилган  
Эй бечора қиз.  
Кўзларимга сокин  
Кўринар ҳаёт,  
Умрим унларини  
Санайди соат.  
Ёдимда қоласиз,  
Сўнгги кунгача,  
Мен-ла яшаётган  
Эй ёлғончи қиз.

20.05.2012

Нажмиддин Комилнинг  
Уйи тор экан.  
Лекин феъли  
Замин қадар кенг.  
Вафотида болалари билан  
Шогирдлари йиғлар  
Теппа-тенг.  
Нажмиддин Комилнинг  
Фарзанди – китоб,  
Ичгани – илму  
Егани – офтоб.  
Ҳовлисига базўр  
Сиққанида тобут  
Қандай жо бўлганлар  
Дўстлар, дарвешлар?  
Ҳасан Қудрат айтар:  
«У сўнгги сўфий,  
Суяниб яшади сабрга.  
Таъмани, кибрни билмай  
Етиб олди бугун қабрга».  
«Чироқ, – деди бошқа бирови, –  
Ёритарди илм йўлини».  
Ўзгаларга билмадим, лекин  
Менга сабоқ  
Унинг ўлими.  
Мол-дунёни  
Кафтда тутмади.  
Қалам ёнди  
Қўллар тафтида.  
Илм осмонига учмади,  
Ерга тушди  
Илмнинг ўзи.  
Юрак ожизланар,  
Йиғлайди юрак.  
Армонлар тоқида



Инграйди юрак.  
Юзлаб алломалар  
Бўлгани билан,  
Бошқа Нажмиддин Комил  
Келмаса керак.  
Чиғатой дарвозасин  
Шундоқ ёнида  
Файбулла ас-Салом  
Узатар кўлин.  
Кутбиддинхон эшон:  
«Кел, болам», – дейди.  
Тилак Жўра шеъри  
Ёритар йўлин.  
Дўстлар дийдоридан  
Тарқайди алам.  
Сўнгги нуқта,  
Марсия тамом:  
Комилликнинг кулбаларида  
Яшаб ўтди Нажмиддин Комил.  
Қабри узра, эй воҳ, тун бўйи  
Ёғиб чиқди азадор ёмғир.

27.04.2012

Муסיқа инграйди,  
Катта саҳнамас,  
Савдо дўконининг  
Зинапоясида.

Бу ерда чолғучидан  
Бошқа ҳеч ким йўқ.  
Томошабин ҳам йўқ,  
Сотилмас патта.

Қалин кийимларга  
Ўраниб олган  
Чолғувчи жонини  
Беради куйга.

Ёнида чолғунинг  
Филофи турар.  
Унга майда-чуйда  
Пуллар ташланар.

Филофнинг ёнида  
Бир ёзув ҳам бор:  
«Хотиним оғир хаста,  
Ўзим ҳам бемор».

Чолғу чинқиради,  
Йиғисига ўхшар боламни.  
Ғамгин куй қоплайди  
Бутун оламни.

Мен куйдан  
Узоқдадурман.  
Деразам ўн қават,  
Ойнабанд эрур.

Лекин унинг кичик  
Тирқишларидан  
Бостириб келар  
Аламнинг овози.

Бетоб чолғучи  
Дардларини тўка  
Бошлар дунёга.  
Оҳ уриб юборар очун.

Менинг кўксим узра  
Кўкарар қайғу,  
Изтироб инграйди  
Қонли қалбимда.

Бақириб юборади  
Чидам,  
Мен йўлга чиқаман  
Муסיқа томон

Оғриқнинг кўзларин  
Кўриш учун,  
Азоб ейиш учун,  
Дардни бўлишиш учун.

Чолғучи  
Сокин чалади куйин.  
Мана неча йилки  
Уқубати билан биргаман.

Чолғучи...  
Мен уни англайман.  
Куйи кириб  
Олган руҳимга.

Тушларимни топиб  
Келар чолғучи.

Муסיқаси мунгли,  
Нигоҳи дардли.

Қайғуси таъқибли,  
Товуши турли.  
Мен унинг кўнглига  
Кўмилдим.

Чолғучи,  
Юракда қолғувчи,  
Исмингни изтироб  
Атадим.

Эй куйчи,  
Дилим даласига  
Армон дарахтин  
Ўтқаздим.

Бу куй  
Абадий тинмайди,  
Чолғучи билмайди  
Мен уни тинглашим...

Киборлар учун куй  
Чалар бошқалар  
Олифта саҳнада,  
Юксак саҳнада.

Аммо у куйга  
Алишмайман мен  
Бетоб чолғучининг  
Нолишларини...

29.03.2013

**ХАЗОН + ҲИЖРОН**

Муҳаббат  
Ҳажрида хазонман  
Вафосиз бир дилдан  
Тўкилган.  
Япроқмас,  
Мен, асли,  
Овозман  
Дунёнинг  
Кўксидан  
Отилган.  
Тўкилдим  
Бағрингмас,  
Пойингга.  
Ернинг чинни кўнгли  
Жаранглаб кетди.  
Ишқнинг  
Имтиҳони,  
Ишқнинг  
Интиқоми  
Тугамас бироқ.  
Ернинг кўзларига  
Чўқдим,  
Муаттар сочларин  
Ўпдим.  
Жисмим сарғайса-да,  
Руҳим ям-яшил.  
Ишқ тилида  
Айтар дардларин.  
Руҳим лоларанг,  
Менинг  
Руҳим қон.  
Жисм, руҳ

Ўртасида  
Ҳалак жон.  
Япроқман,  
Танамдан  
Тоқман.  
Узилиб кетди  
Умид.  
Чилпарчин бўлди  
Дил.  
Нега тутиб  
Қолмадинг мени?  
Нега кутиб  
Олмадинг мени?  
Жойлай билмадинг  
Жисмингга.  
Мен ошиқ бўлгандим  
Исмингга.  
Ерга тушиб кетдим  
Ишқнинг тоқидан.  
Ер билан  
Битта бўлган  
Япроқман.  
Оҳ, осмон,  
Оҳ, замон  
Англамас.  
Ишқидан  
Айрилган  
Бир тоқман.  
Гуноҳим –  
Ишқ илмин  
Уққаним.  
Азобим –  
Айрилиқ ютганим.  
Армоним –

Мангуга кетганим.  
Ишқ кириб  
Чиқади тушимга.  
Қўлимга тутқазар  
Қилич.  
Айтади:  
«Жонингни ич,  
Кўнгилдан кеч,  
Жисмингни еч.  
Фақат руҳинг  
Билан бирга бўл.  
У буюрсин  
Сени ўлимга».  
Жонимни ичиб,  
Сархушман.  
Дарахтлардан  
Учган бир қушман.  
Тупроқ узра  
Тирилаяпман.  
Мен яна  
Яшнаш бошлайман,  
Ёнади ёдим.  
Теграмда ишқ.  
Қалдирғоч ўпади  
Тилимдан.  
Мен тилсиз қоламан.  
Қизғалдоқ ушлайди  
Қўлимдан.  
Мен қўлсиз қоламан,  
Гуноҳ адаштирар  
Йўлимдан.  
Мен йўлсиз қоламан.  
Қизғалдоқ қонини  
Ичаман.

Қалдирғоч жонини  
Ичаман.  
Йўлимдан,  
Ўлимдан  
Кечаман.  
Мен йўлсиз  
Йўловчи.  
Мен қўлсиз  
Қўлловчи.  
Ўлимга ўлпон  
Тўловчи.

30.03.2013



**ЖИЙДА**

Жийдажоним,  
Жаҳоним,  
Жоним  
Куйиб кетяпти,  
Бу дунёнинг  
Чинорлари  
Бизга қараб  
Куляпти.  
Бунчалар  
Кичикмиз-а,  
Шунчалар  
Кичикмиз-а.  
Ифори ширингинам,  
Жийдажоним,  
Жаҳоним.  
Тикилмаймиз уларга,  
Букилмаймиз буларга,  
Оҳ, армонмиз,  
Воҳ, армон.  
Янчилмаймиз шуларга.  
Жийдажоним,  
Жаҳоним.  
Оқ нурлар  
Таратамиз,  
Ўзимизга  
Қаратамиз.  
Ерга тушар димоғлар,  
Оҳ чекар яшил боғлар.  
Жийда гулини ўпдим,  
Дарди дунёмни тўқдим.  
Мен бугун  
Сени топдим,

Жийдажоним,  
Жаҳоним.  
Ердан узилмас  
Илдиз.  
Ҳаё-ла  
Боқади қиз.  
Жийда бўлгим  
Келяпти,  
Майда бўлгим  
Келяпти.  
Дунёга бир  
Ранг бериб,  
Кейин ўлгим  
Келяпти.  
Жийда,  
Сени ичаман,  
Дунёлардан кечаман.  
Кибр тўнин  
Ечаман.  
Жийда бўлгим  
Келяпти.  
Оқ нурларга  
Беланган  
Бир хур  
Бўлгим келяпти.  
Тикилмаймиз тепага,  
Ер олади дардимиз.  
Юлдузларга  
Узатмам,  
Тупроқ силар  
Қўлимиз.  
Жийдажонга  
Элтсанг-чи  
Энди бизнинг

Йўлимиз.  
Жийдажоним,  
Жаҳоним,  
Пойингда ўтирибман.  
Ҳидларинг  
Тўйиб ҳидлаб,  
Армон-ла  
Ўкинибман.  
Кел, мени  
Мажнун айла,  
Севсам сени  
Севаман.  
Жийдажоним, жаҳоним  
Сен Лайлосан,  
Мен Мажнун...

5.05.2012

- Она, ёнғоқ гуллабди,
- Гулламайди ҳеч қачон.
- Она, азоб арибди,
- Аримайди ҳеч қачон.
- Она, қуёш қарибди,
- Қаримайди ҳеч қачон.
- Она, бахтим ётяпти,
- Ётган эмас ҳеч қачон.
- Она, орзум осмонда,
- Осмондамас ҳеч қачон.
- Она, бир зум эшитгин,
- Менинг дардларим омон.
- Хаёлларим тўзғигаЙ
- Бири-биридан ёмон.
- Эшитмайман боламни,
- Эшитмайман отамни,
- Йиғлатганман опамни.
- Она, ёнғоқ гуллабди,
- Мен кўрмадим ҳеч қачон.
- Қалампирнинг қизи бор,
- Келин қилмайман чунон.
- Ёнғоқ гулини кўрдим,
- Мен бир умр кўрмадим.
- Гуллаяпти дардларим,
- Эшитмайман гапларинг.
- Она, она, бир қаранг,
- Ёнғоқ гулини кўрдим.
- Оппоқ бўлиб гуллаган...

19.05.2014

**ОМОНАТ**

Осмонларга  
Бориб айтинг,  
Ҳофиз айтди  
Дея айтинг.  
Бунча баланд  
Бўлмаса у,  
Узатсам-да,  
Етмас қўлим.

Она ерга  
Бориб айтинг,  
Боланг айтди  
Дея айтинг.  
Дардларимни  
Ола қолсин,  
Кўзларимга  
Тупроқ солсин.

Сиз онамга  
Бориб айтинг,  
Ўғлинг айтди  
Дея айтинг.  
Дўстим йўқдир  
Ундан бўлак,  
Боланг ҳалак,  
Боланг ҳалак.

Муҳаббатга  
Бориб айтинг,  
Ошиқ айтди  
Дея айтинг.  
Севгисини ўлдирибди,  
Юрагини тўлдирибди:  
Дунё билан,  
Дунё билан.

Сиз боламга  
Бориб айтинг,  
Мени айтди  
Дея айтинг.  
Отамни  
Суйганимдай,  
Болам ҳеч  
Суймасин мени.

Сиз қалбимга  
Бориб айтинг,  
Шоир айтди  
Дея айтинг.  
Шеър дардидан  
Аримасин,  
Шеърга тўлсин,  
Шеър деб ўлсин.

19.02.2014

## ТЎЛҒОҚ

Шоир дилим  
Эркалар онам,  
Шоир кўнглим  
Кўкларга етар.

Шоир кўксим  
Ғам тилкаласа,  
Қайғуларим  
Аритар онам.

Оёқости  
Бўлади осмон.  
Ерга тушиб  
Синиб кетар дил.

Тақдиримни  
Ғижимлар биров.  
Оҳ, жонимга  
Кўз тикар сайёд.

Менинг бўғзим  
Аламга тўла.  
Менинг кўзим –  
Ёшлар денгизи.

Шоир кўнглим  
Рост деб ўртанар.  
Ёлғон ютар,  
Дилим қон ютар.

Юзларимга  
Ёпилар эшик.

Тобут бўлиб  
Чайқалар бешик.

Кўксимдаги  
Чечакларимни  
Юлиб олмоқ  
Бўлади шамол.

Фарёд чекиб,  
Титрайди кўнглим.  
Зулмат ғолиб,  
Залолат ғолиб.

Бузилади  
Кўнглимнинг уйи.  
Илтижо-ла  
Тиклайди онам.

Кўз ёшини  
Тўкар тупроққа.  
Лой қоради  
Қўллари билан.

Маҳзун дилим  
Деворларини  
Юраги-ла  
Тутади онам.

Вайрон бўлар  
Шоир дилим.  
Паст келади  
Қўлим.



Вайроналар  
Узра мунғайиб  
Ночор, нотавон  
Ўтиради онам.

Осмон унга  
Кўмакка келар.  
Хас етказар  
Қалдирғочлари.

Мусичалар  
Муножот айтар.  
Кўзида сув  
Тутади замин.

Оҳ, онажон,  
Шоир кўксимни  
Ёриб чиқар  
Меҳр деган гул.

Сен эккансан,  
Сен ўтқазгансан.  
Овозимни  
Ўзинг бергансан.

Шеър туққансан,  
Азоб туққансан,  
Кўр дунёга  
Шоир туққансан.

Вужудингда  
Жой борми менга?  
Бағрингга ол,  
Ола қол, она.

Вужудингга  
Жойлаб олиб, сўнг...  
Тўлғоқ дардин  
Унутгин, она.

Туғма, она,  
Туғсанг ҳам агар,  
Шоир туғма,  
Шеър туғма, она.

12.03.2013

**АРМОН АЙТИМЛАРИ**

Бахт қариди,  
Ёлғиз эди у.  
Кибру ҳавоси  
Баланд эди.  
Ҳеч ким томон  
Қадам ташламас эди.

Бахт қариди,  
Қанча қўллар  
Чўзилди унга,  
Неча қуллар  
Зор эди унга,  
Қарамади бировга бадбахт.

Бахт қариди,  
Йўлларига тикилди  
Кўзлар.  
Қон бўлишди  
Ҳисобсиз диллар,  
Нари кетди ундан кўнгиллар.

Бахт қариди,  
Кўзлари хира,  
Кўрмайди энди у,  
Билмайди энди у  
Ким эгалик  
Қилишин бахтга.

Бахт қариди,  
Охирлаб қолди  
Унинг умри ҳам.  
Энди хоҳласа-да,  
Ҳеч ким қарамайди бахтга.  
У интилади одамларга.

Бахт қариди,  
Қалби эмас,  
Бугун унинг  
Сочлари оппоқ.  
Кимнидир, ниманидир  
Қўмсайди гоҳ-гоҳ.

Бахт қариди,  
Бебола аёлга ўхшаб  
Алла айтиб,  
Чиқар тунлари.  
Кимсасиз ўтди  
Кунлари.

Бахт қариди,  
Қайғу ариди,  
Умидини узди  
Ошиқлар,  
Бахт йиғлайди  
Узун тунларда.

Бағрига босгани  
Боласи йўқ  
Бахтнинг.  
Бахтдан бахт  
Яралмас экан-да,  
Ҳайҳот...

14.02.2013

**СОЧИҚ САТРАЛАР**

Қаерга кетиб  
Қолдинг, кўнгил?  
Нечун энди  
Йиғлаяпсан, дил?

Жисмим яраланган,  
Неча йилдирки  
Рухим ёнар унинг  
Ўтида.

Кўзларим – қуёш,  
Олов сочади.  
Бардош бериш  
Қийин тафтига.

Овозим – осмон,  
Ўзим эшитмайман.  
Қулоғи қоматга  
Келар оламнинг.

Дардим ердай  
Чексиз,  
Қалбим ердай  
Унсиз.

Туйғуларим руҳсиз,  
Қайғуларим рангсиз,  
Дунёларим дардсиз,  
Қандай яшайман энди?

Севгисиз бу дунё  
Қанчалар совуқ,  
Муҳаббатсиз қолдик  
Дунё билан мен.

15.03.2014

Бахт кичкина,  
 Одамлар катта.  
 Бахт биттадир,  
 Бизлар эса кўп.  
 Шунинг учун  
 Етмаяпти бахт,  
 Шу боисдан  
 Бахтиёрлик йўқ.  
 Бир одамга  
 Бахш этилар у,  
 Қолганлар ҳам  
 Узмайди умид.  
 Қўл узатар  
 Миллиардлаб одам,  
 Ютинади яна миллиарди.  
 Бахт осмондир  
 Юлдузлари кўп.  
 Лекин қўлинг  
 Етмайди унга.  
 Бахт қуёшмас,  
 Нур таратмас у.  
 Якка-ёлғиз  
 Бир жисм,  
 Бир қалб.  
 Интилади  
 Инсонлар бари.  
 Бахт –  
 Кўксингда  
 Яшаётган дард.  
 Кечиб бўлмас ундан,  
 Етиб бўлмас унга,  
 Узилмайди  
 Узун арқони.  
 Ўтиб борар умр,  
 Хиралашар нур.

Бахт – дур,  
Неча қават  
Қафасларда  
Сақланади у.  
Қўриқлайди  
Содиқ сарбозлар.  
Қон йиғлайди дил,  
Бахт, аслида,  
Меники эрур.  
Нега қулфланган,  
Нега қамалган,  
Нимага кишанланган,  
Зиндон этилган?  
Айби, у меники,  
Бахт бу меники.  
Сиз менинг бахтимни  
Бўғизлагансиз,  
Кўзимни кўмгансиз,  
Юрагимни ютгансиз.  
Кўлимни қирққансиз,  
Сўзимни синдиргансиз,  
Тилимни тилгансиз  
Шу бахтни дея.  
Тунлар тондирдингиз  
Сиз мени ундан.  
Таъқиб этдингиз  
Бахтни чақирувчи  
Овозларимни.  
Осдингиз, отдингиз...  
Оҳ, битта бўлса ҳам  
Меники шу бахт.  
Олинг ҳаммасини,  
Қайтаринг бахтни.  
Оллоҳнинг измида  
Ер ва Коинот.  
Мен Ундан дунёмас,  
Бахт сўрагандим.

Бахт битта, биз эса  
Бунчалар тўп-тўп.  
Қўлимиз узатилар бахтга,  
Кўзимиз бахтда.  
Сўзимиз – бахт,  
Исмимиз – бахт,  
Лекин бахт  
Биздан жуда узоқда.  
У гўёки кўпдай,  
Барчага етадигандай,  
Қалбимизни забт  
Этиб олган.  
Бахтлиман деймиз,  
Бахтиёрман деймиз.  
Бахт еймиз,  
Ичамиз бахтни,  
Бахт бутун,  
Бўлаклаб бўлмайти уни.  
Интиламиз бахтга,  
Излаймиз бахтни.  
Бутун олам бахт,  
Бахт деб яшайди.  
Ер – бахт,  
Осмон – бахт,  
Онам – бахт,  
Отам – бахт,  
Болам – бахт,  
Мен эса бахтсиз.

23.03.2013



## ИҚРОР

Юлдуз опамга

Опа, қаранг,  
Осмон яқин,  
Юлдуз чақин.  
Англаганим  
Дунё ёмон,  
Оҳ, мен омон.  
Билмаяпман,  
Қани кундуз?  
Кўзим туз.  
Дунё буз,  
Меҳрдан умид уз,  
Дардим куз.  
Жазо бер,  
Қизғалдоқни уздим.  
Жигарим тинчини буздим.  
Кўзим гирён,  
Сўзим қани?  
Ўзим қани?  
Босди теграм  
Қуюқ туман,  
Танидингиз, бу ман.  
Гулни уздим,  
Дилни едим,  
Гуноҳкорман ўзим дедим.  
Мени тушлар таъқиб этади.  
Бағрим бутун бўлмаган-ку,  
Айтинг, Фарҳод ўлмаган-ку!  
Чархпалак айланади, чораларим,  
Қўлингиздан  
Маҳкам тутай, болаларим.  
Тилим танглайимга  
Ёпишган,  
Оҳ, қайғуни қайдан топишган?

Дилни поклаш илинжида  
Фамни дедим,  
Қайғу едим.  
Ота-она ҳолидан  
Хабарсиз,  
Эй дилсиз.  
Мен беқарор,  
Онам бемор,  
Опам бемор.  
Унинг билан  
Орамизда  
Минг йиллик йўл.  
Узатсам-да,  
Итарилди  
Гуноҳкор қўл.  
Қарз кўтаринг,  
Мана, жоним узатаман.  
Азроилни энди ўзим кузатаман.

7.05.2013

## КЕТИШ

Ёшим ўн учда эди.  
Бир ойга тарк этдим  
Уйим, яқинларимни.  
Денгиз бўйида яшадим.  
Қирғоқ қўшиқларин тингладим.  
Илк бор қишлоғимдан  
Кетдим узоққа.  
Ўша кетишимнинг  
Муддати бор эди,  
Фақат бир ой,  
Нечадир соат, дақиқа.  
Ўн саккиз ёшимда  
Номаълум муддатга  
Уйимдан кетдим.  
Менга шундай  
Ҳукм ўқилди.  
Орадан ўттиз йил  
Ўтган бўлса-да,  
Ортга қайтишимга  
Рухсат йўқ.  
Юволмадим  
Қилган гуноҳларимни.  
Жазо муддатини  
Ўтаётган маҳкумдай  
Совурдим йилларимни.  
Тун бўйи шиқирлаб чиқади  
Кишан.  
Тун узоқ йиғлайди,  
Гуноҳкор бу шаън.  
Дунёдаги энг кекса  
Маҳкум,  
Дунёдаги энг гуноҳкор  
Қул,  
Билмайди нимага  
Кетганини ул.

12.12.2012

**ЭВРИЛИШ**

Кетган бизнинг кўнглимиз,  
Қолган бизнинг кўнглимиз,  
Ўлган бизнинг кўнглимиз!  
Нима қолди жисмимда?

Ботган бизнинг бахтимиз,  
Ётган бизнинг бахтимиз,  
Ухлаётир бахтимиз,  
Жон қолмади жисмимда.

Фарёд уриб ўтяпман,  
Билмам, қайга етяпман,  
Ўз йўлимда кетяпман,  
Нима қолди исмимда?

Қоним қайғу-ла оқар,  
Кўксимда олов ёқар,  
Дилим дунёга боқар,  
Ном қолмади жисмимда.

Бетобликда тош ёстиқ,  
Оҳу ноалар ортиқ,  
Жонимни қилдим тортиқ,  
Нима қолди жисмимда?

Боламга болиш бўлдим,  
Онамга нолиш бўлдим,  
Умидим қолиш бўлди,  
Азоб ётар жисмимда.

Топганим – қийноқларим,  
Кўкка етар оҳларим,  
Қайга кетди моҳларим?  
Ҳижрон ҳоким жисмимда.

30.10.2012

**РУҲИЯТ**

Ташрифимдан  
Қувонмас ҳеч ким,  
Илҳақ кутган  
Топила қолмас.  
Куйманеди  
Бечора онам,  
Ўтқазгани  
Жой топа олмас.

Қувонади  
Ўчоқ ва тандир,  
Олов ёнар  
Уларда бирга.  
Тўшакларни  
Нарироқ суриб  
Ўтирволгим  
Келади ерга.

Куч-қувватдан  
Қолса ҳам онам,  
Меҳри ортиб  
Борар йил сайин.  
У бизларни  
Қанчалар қўмсар,  
Йўл қарайди  
Туну кун тайин.

Қўлларимга тутар  
Бетаъма,  
Юзларимни  
Ажинлар силар.  
Қари ёнғоқ  
Остида туриб  
Болалигим  
Излай бошлайман...

Болалигим қолган  
Кўчалар,  
Болалигим кечган  
Ариқлар,  
Болалигим ўчган  
Чироқлар...  
Йўқ, йўқ, булармас,  
Болалигим эслатар онам.

Умрим бўйи  
Меҳр қидирдим,  
Мен дуч келдим  
Маккор сеҳрга.  
Қорним тўқдир,  
Қадрим эса оч,  
Она, мени  
Кўминг меҳрга.

Ёнингиздан  
Узоқлаштирманг,  
Сароб  
Орзуларим яширинг.  
Минг йил қувдим  
Улар ортидан,  
Энди минг йил  
Қайтмоғим керак.

Исён қилиб чиқар  
Армонлар,  
Вужудимда  
Жон талашар жон.  
Опаларим, эй, осмонларим,  
Онам меҳрин  
Бир мисқолини  
Опамларга бергин, Худойим.

Йиғилади  
Дилда дардларим,  
Эгилади бир кун қадларим,  
Қизим десам,  
Қисирлагай қалб,  
Онам меҳрин  
Бир чимдимини  
Қизларимга бергин, Худойим.

Сингил нима  
Билмайди дил,  
Билганини  
Қўймайди дил,  
Йўқлигига  
Кўнмайди дил,  
Сингил деган армонимни  
Бошқаларга берма, Худойим.

Онам мени  
Йўл қарайди,  
Кун санайди,  
Тун тарайди,  
Соғинганда боласини  
Хаёлини аллалайди,  
Ёлғизгина илинжимдан  
Айирмагин мени, Худойим.

19.12.2011

Дунёда дунёсизман,  
Ишқда имлосиздирман.  
Баҳорда гул-чамансиз,  
Кузда хазонсиздирман.  
Булоқман кўз ёшисиз,  
Тоғман харсанг тошисиз.  
Дарёман ирмоғи йўқ,  
Шоирман овози ўқ.

11.11.2014



**ДАФТАР**

Ичим тўла  
Дард мени,  
Кўзим ёшин арт мени,  
Йиғлатолади сени  
Ичим тўла  
Дард мени.

Тошга ботади таним,  
Турғизиб қўйгил маним.  
Юрагимда тикан бор,  
Наҳот, яна имкон бор.  
Дуч келганим дард мени,  
Савобларим гард мени.

Ҳеч келмади қўлимай,  
Очилмади йўлимай,  
Мени асрар ўлимай,  
Келади садо ҳай-ҳай,  
Иқрор айтганим мени  
Йиғлатолади сени.

Отсиз омад изладим,  
Додсиз қисмат изладим,  
Осмонга қўйдим нарвон,  
Мен ўзим ёлғиз қарвон.  
Айтганларим фарёдим,  
Қайғудир менинг отим.

18.05.2014

Кўзим кўз ёш ичди,  
Тилим онт ичди,  
Дилим қон ютди,  
Қўлим гуноҳ тутди.  
Онам эшитмади...

Жонимни жодулар  
Минг бўлак этди.  
Ханжар суякданмас,  
Ундан ҳам ўтди.  
Онам эшитмади...

Бошқаларнинг ичи  
Ачимади ҳеч,  
Атрофим тумандай  
Фанимлар тутди.  
Онам эшитмади...

Оҳ дедим, осмонга  
Урилди оҳим.  
Воҳ дедим, заминда  
Гуллади додим.  
Онам эшитмади...

Шунданми, қиёмат  
Бўлмади ҳануз.  
Онажон, болангдан  
Асло узма кўз.  
Онам эшитмади...

Онамнинг  
Қулоқлари

Оғирлашиб қолган,  
Қулоқларига ғам тўлган,  
Дард чўккан.

Лекин беихтиёр  
Мени эшитади  
Қалб  
Қулоғи билан.  
Оллоҳга ёлворади:  
Боламни асра,  
Боламни асра,  
Боламни асра...

18.09.2013

Онам ерни яхши кўрарди,  
Тупроққа талпинарди Онам.  
Ерни чақирарди Онам,  
Ерни суяр эди Онам,  
Боласини олган эди у.  
Оҳ, қанчалар кутди тупроқни,  
Шунчалар соғинди ерни.  
Фарҳод мени чақир дерди,  
Қизғанарди боласини Онам.  
Фарҳодни сўрарди ердан,  
Саккиз йил йўл босди ер томон,  
Саккиз йил ёлворди тупроққа.  
Бир қабр иккита бўлди,  
Ёнма-ён ётибди  
Фарҳод ва Онам,  
Қўлини узатса,  
Етади боласига,  
Бағрига босади.  
Она қабр тебратади,  
Бола қабрни,  
Она-бола бир-бирига тўймайди.  
Онам Фарҳодни яхши кўрар экан  
Биздан кўпроқ.  
Кичкина бўлиб қолди  
Бола қабр.  
Улканлашди Она қабр.  
Тун бўйи  
Ернинг йиғиси  
Эшитилар менга.  
Онамдан қизғанади у  
Фарҳодни.  
Онам боласини  
Ердан олди,  
Ерга бермайди энди.  
Оҳ, осмоним Онам,  
Кўнгли ер Онам,

Сенсиз қолдим мен,  
Осмонсиз қолди олашим.  
Фақат Фарҳод  
Онам билан бирга.  
Онам кўчиб кетди  
Ўз уйидан.  
Онам учиб кетди  
Бизнинг дарахтдан.  
Онамнинг уйи бор,  
Томи тупроқдан.  
Девори тупроқдан,  
Эшиги тупроқдан,  
Бешиги тупроқдан.  
У уйда Фарҳод ҳам бор...  
Ойни отди Онам,  
Қуёшга қарамади,  
Сувдан совиди.  
Олти боласини  
Топширди Оллоҳга.  
Ерга кетди Онам,  
Фарҳодга етди Онам.  
Онам – тупроқ,  
Онам – ер.  
Бошимни қўйгим  
Келади ерга,  
Ўпгим келади ерни,  
Киприklarим билан  
Супургим келади ерни.  
Кўзимни тўкким,  
Юрагимни экким келади.  
Қаср уйлар қолиб,  
Қабр уйга борди Онам.  
Ерга ташлайман мен  
Тилимни,  
Соғиниб яшайман  
Қабр уйимни.

4.10.2014

*Дўстим Атаманга*

Умид, ишонч, соғинч армондир,  
Юрагимнинг ҳар зарби туғён.  
Гўзал қаддинг соғиндим бугун,  
Сен қайларга кетдинг, ёр, гирён?

Баҳор сочинг ўйноқлар, жоним,  
Менинг дардим мисли ғариб куз.  
Оёғимдан бўғилар йўллар,  
Дардларимдан йиғлар буюк сўз.

Соғинаман, гоҳ тонгда туриб  
Кетмоқ истаб йўлга тушаман.  
Шумшайиб жим туради шаҳар,  
Мен армонни олиб кетаман.

Қишлоқ – ўша ғала-ғовурлар,  
Болаларнинг қўлида кулча.  
Онам тандир томон энгашар,  
Қучоқлайди ўз боласидай.

Тандир, сени олиб кетаман  
Онам ҳидин соғинган дамлар.  
Қалбимдаги армоним учун  
Сизни олиб кетай, далалар.

Беғараз ой термилиб турар,  
Қоронғилик чекинар бир зум.  
Осмонимнинг бахти қародур,  
Ерларимнинг пешонаси шўр...

**СЎЗИМ ЎЗИМ**

Менинг бўғзим –  
Қўбиз,  
Кўксим эса  
Тор.  
Ғижжак ғамларимдир,  
Нолаларим – най.  
Қадамларим – доира,  
Нафасларим – чанг.  
Розим – рубоб,  
Дардим – довул.  
Кўнглим – китоб,  
Кўзим – сиёҳдон.  
Киприklarим –  
Қалам,  
Кўлларим – дотор.  
Ноғора – жоним,  
Ҳар кун  
Урар бонг.  
Сурнай – сирларим,  
Карнай – қувончларим.  
Уд – умрим.  
Кўшиқ – қанотларим,  
Ишқ – илинжларим.  
Фақат сўзим –  
Ўзим...

20.05.2012

Қария бу жойда  
Кун узоқ ўтиради,  
Ҳар кун дунё билан хайрлашади.  
Ўтган умри ҳақида ўйлайди  
Ўлим ўриндиғида.

Аввал момоси ўтирарди,  
Сўнгра бобоси чўкди.  
Отаси, онаси, акаси, опаси  
Мук тушиб кутарди ўлимини  
Ўлим ўриндиғида.

Тенг-тўшлари кетган,  
Яқинлари ўтган,  
Унга ҳам навбат етган,  
Йўлга тикилади хира кўзлари  
Ўлим ўриндиғида.

Узоқ-узоқларга учади хаёллари,  
Сўзсиз йиғлайди.  
Тириклар ичида  
Қолмаган иши, ўтиради энди  
Ўлим ўриндиғида.

Аллақачон кўрмай қўйган туш  
Тўдасидан айрилган бу қуш,  
Қизиғи қолмаган қуёшни,  
Қачон ерга қўяр бу бошни?  
Ўлим ўриндиғида...

19.02.2014



**ДАРДИМ ИЧ**

Дардим ич,  
Дардга тўласан.  
Дардим ич,  
Мангу маст бўласан.  
Дардим ич,  
Осмонга етади оҳинг.  
Дардим ич,  
Ерга йиқилади азобинг.  
Дардим ич,  
Дарвеш қўйишади отинг.  
Дардим ич,  
Дорга тикилади кўзинг.  
Дардим ич,  
Жаллодга жонингни тутасан.  
Дардим ич,  
Ошиқ ўласан.  
Дардим ич,  
Қизғалдоқни кучасан.  
Дардим ич,  
Азобга тўясан.  
Дардим ич,  
Чучмома бўласан.  
Дардим ич,  
Кимлигимни биласан.  
Дардим ич,  
Осмон бўласан.  
Дардим ич,  
Нолон бўласан,  
Дардим ич,  
Дилимни биласан...

26.04.2013

## Мундарижа

Отасининг шоир ўғли. (А.Улугов) .....	4
Болаликка қайтиш .....	11
Самарқанд давлат университети.....	16
Муҳаббат манзаралари.....	18
Комиллик.....	21
Номаълум мусиқачи .....	23
Хазон + ҳижрон .....	26
Жийда.....	30
Ёнғоқ гули .....	33
Омонат.....	34
Тўлғоқ .....	36
Армон айтимлари.....	40
Сочиқ сатрлар .....	42
Чарх.....	43
Иқроқ .....	46
Кетиш .....	48
Эврилиш .....	49
Руҳият.....	50
Тоқат .....	53
Дафтар .....	54
Илтижо .....	55
Онамнинг уйи .....	57
Соғинч .....	59
Сўзим ўзим.....	60
Ўриндиқ.....	61
Дардим ич .....	62

**Фаррух Ҳамроев**

## **ОНАМНИНГ УЙИ**

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ  
**Бадий муҳаррир:** Алимардон АҚИЛОВ  
**Техник муҳаррир:** Дилшод НАЗАРОВ  
**Саҳифаловчи:** Иномжон ЎСАРОВ  
**Мусаҳҳих:** Отабек БОҚИЕВ

Наشريёт лицензияси: АИ №134, 27.04.2009  
Теришга берилди: 20.03.2015 й.  
Босишга рухсат этилди: 27.05.2015 й.  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>,  
Myriad Pro гарнитураси. Афсет босма.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 2,4. Шартли б.т.: 3,36.  
Адади: 5000 нусха.  
Буюртма № 119.

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77  
e-mail: info@akademnashr.uz  
web: www.akademnashr.uz

«PRINT LINE GROUP» ХК босмаҳонасида чоп этилди.  
100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳкўчаси 44-уй.

